

Mustahkam oila – yurt tayanchi

# Oil davrasida

№ 50 (396)  
2019-yil  
5-dekabr  
payshanba

www.od-press.uz


Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

## ЗАМОНАВИЙ

4-5-бетлар

# СУДЖУРЛИК ФЕНОМЕНИ



Бобо, набира...  
ВА **КОНСТИТУЦИЯ**

3-бет

**ОАВ**га  
муносабат —  
**ДАВЛАТ**  
**СИЁСАТИ**га  
муносабат

2-бет



**ХИВА**  
2020 йилда  
**ПОЙТАХТ**  
**БЎЛАДИ**(ми?)

3-бет



**ШАРАФЛИ**  
**КАСБ**нинг  
«шараф»и

6-бет



**ЙПХ ПОСТ**лар  
**НЕГА** қайта  
ТИКЛАНМОҚДА?

3-бет



«Оила даврасида» газетасига

## 2020 йил учун **ОБУНА**

Обуна индекси — 193

ЎЙИНЧИГА БОРИБ  
ОБУНА ҚИЛАМИЗ!  
Тел.: 98 198-98-99  
71 253-70-70

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,  
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан  
чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Тел.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
китоблар  
ассортименти



# ҲАЁТИМИЗ КОРРУПЦИЯ БИЛАН ПАРОКАНДА БЎЛМАСИН...

«Сиздан угина, биздан бугина». Бу мақол пора олиш ва беришда «фидойилик» кўрсатаётганлар учун топиб айтилгандек, гўё. Нега дейсизми?

Табий кўридан ўтишим керак. Лекин навбат кўп. Ҳамма шифокор қабулида бўлишга вақт етмайди. Ишхонадан руҳсат сўрамаганман. Ўз вақтида етиб боришим керак. Хўш, нима қиламан? ...Кейин тиббиётда ҳамма пора олади, деб койинаман, албатта.

Фарзандим мактабга, мактабгача таълим масканига боради. Албатта йил давомида турли байрамлар бор. Назаримда, совға-салом қилиб турмасам боламнинг кундалиги, журнал ёмон баҳога тўлиб кетиши мумкиндек. Боғчада эса боламга кўпроқ эътибор берсин, уришмасин дейман. Кейинчалик уларнинг ўзи нимадир сўраб қолса, «ўрганган кўнгил ўртанса кўймас», деб нолиб қўяман.

Йўл қондасини бузим. ИПХ ходими жарима қўллаши керак. Аммо «бир марта кечира қолинг, ёзиб овора қилманг, ўзингиз олиб кўя қолинг...» дейман. Албатта, бу биринчи марта эмас-ку. Ўрганиб қолганман.

Энди мен ҳам кимнингдир ишини битириб бергани учун «рози» қилади. Нима бўпти? Хуллас, баъзан биз кистиришимиз, баъзан бизга кистиришади. Бу жараён навбатма-навбат амалга ошаверади.

Ўзим ҳақимда гапирдим. Лекин сиз ҳам шу каби ёки бундан ҳам жиддийроқ вазиятларга тушган, коррупцияга йўл очган, иштирокчи бўлгандир-сиз, эҳтимол.

Бу иллатни қандай қилиб йўқ қилиш мумкин? Ҳамма ўз ишини ўз вақтида қилса, назоратни ўздан бошласа, қонулар ўз вақтида ва тўлалигича ишласа, бу муаммони бартараф этиш имкони бўлар, эҳтимол. Ўзгалардан қонунга риоя қилишни, ҳалол бўлишни, коррупцияга йўл қўймасликни талаб қилаётган вақтимизда, ўз хатомизни кўра олишимиз керак.

## «Бор товоғим, кел товоғим...»

Бу олди-бердилар оқибатида «товоқ» бир неча бор ерга тушиб синди, чил-чил бўлди. Аммо эсини йиғмайдиганга фарқи йўқ экан-да.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш



мақсадида барча ташкилотларда турли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

...Бўстонлик тумани Давлат солиқ инспекциясида фаолият кўрсатиб келаётган давлат солиқ инспектори К.Йўлчиевга 2019 йил 20 июнь куни номаълум фуқаро кўнғирок қилиб, тadbиркорлик қилиш нияти борлигини, унга «рахнамолик» қилиб туриши эвазига ойига 500 АҚШ долларидан бериб туришини маълум қилган.

ДСИ ходими К.Йўлчиев мазкур ҳолатдан шубҳаланиб, вазият бўйича вилоят давлат солиқ бошқармаси раҳбарияти ҳамда тегишли органларни ўз вақтида хабардор қилган. Шундан сўнг ушбу ҳолат тегишли органлар томонидан назоратга олиниб, 29 июль куни пора таклиф қилаётган фуқаро К.Йўлчиевнинг хизмат хонасида унга 900 АҚШ долларини пора тариқасида бераётган вақтида қўлга олинган.

Бу вазиятда солиқ тизими ходимларининг хушёрлиги ва тезкорлиги сабаб коррупция ҳолатининг олди олинди.

Тошкент вилояти ДСБ хабарига кўра, коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги ва коррупцион ҳолатлар содир этилишига мойиллиги бўлган мансабдор шахслар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш мақсадида тadbиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида аноним сўровномалар ўтказилмоқда.

Бошқа ташкилотлар ҳам бу борада самарали натижаларга эришмаяптими? Жамиятдаги биз билган ёки билмаган ҳолатлар қанча?

Йирик коррупциялар сўнгги вақтларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фаоллар, оммавий ахборот воситалари эътиборини жалб этади. Йирик миқдордаги коррупцияларга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам янада кучайтирилади. Аввало, йирик коррупциядан фарқ қилган ҳолда, ҳар куни содир этиладиган кичик миқдорни ташкил этадиган «майда» коррупцияга ечим топиш керак, назаримизда.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,  
ЎЗД

## ИҚТИБОС

### «ҲАР БИР МАНСАБДОР ОАВГА МУНОСАБАТ ДАВЛАТ СИЁСАТИГА МУНОСАБАТ ЭКАНИНИ ЧУҚУР АНГЛАШИ ЛОЗИМ»

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Русланбек ДАВЛЕТОВ фейсбукдаги саҳифасида «Биз халқнинг оғирини енгил қилишда оммавий ахборот воситаларига суянамиз» сарлавҳаси остида ўз фикрларини баён қилди.

«Ҳар қандай жамиятни кемирувчи коррупция, таниш-билишчилик, «қора иктисодиёт» ва бошқа шу каби салбий ҳолатларни фош этишда оммавий ахборот воситаларининг роли бекиёс эканини рад этиб бўлмайди, – дея қайд этган вазири. – Ҳар бир мансабдор ОАВга муносабат давлат сиёсати муносабат эканини чуқур англаши лозим. Ҳеч қайси давлат органи ўз ходимларининг ҳар қадамни тўлиқ назорат қила олмайди. Бизнинг эътиборимиздан четда қолаётган муаммолардан ўз вақтида огоҳ бўлиб, уларни бартараф этишга зудлик билан кириши-



шимиз эса фаолиятимиз муваффақиятининг гаровидир. Шундай экан, муаммолар ҳақида вақтида аниқ ва тўғри сигнал бериб турган журналистлар ва бошқа жамоатчилик вакилларида миннатдор бўлишимиз лозим.»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 22 ноябрь куни ўтказган селектор йиғилишида мансабдор шахсларнинг ОАВга муносабати масаласига алоҳида эътибор қаратган эди.

## Янги тизим

### ИСИТИШ УЧУН ЯНГИЧА ҲИСОБ-КИТОБ

«Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими 2019-2024 йилларда босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказилади.

2020-2021 йиллар иситиш мавсумидан бошлаб марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар иситиш даврининг ҳар бир кунига 1 кв. метр иситиладиган майдон ҳисобида тўлаш тизимига ўтказилади.

2020 йил 1 январдан аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланади.

Аҳолига иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни иссиқлик таъминоти корхоналари, истеъмолчилар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки профессионал бошқарув компаниялари ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномалар асосида етказиб бериш тартиби босқичма-босқич жорий этилади.

## Қулайлик

### HUMO «MASTERCARD»НИ ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эндилда «Mastercard» карталари эгалари Нумо терминаллари орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Миллий банкларро процессинг маркази (МБПМ) ва Mastercard халқаро тўлов тизими 3 декабрь куни Нумо тизимида Mastercard халқаро карталари орқали тўловларни қабул қилиш ишга туширилгани ҳақида эълон қилди. Бу ҳақда МБПМ матбуот маркази «Газета.uz»га хабар қилди.

Бугунги кунда «Mastercard» эгалари бутун Ўзбекистон бўйлаб 170 мингдан ортиқ терминаллар орқали маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни амалга ошира оладилар. Комиссия миқдори сотувчилар учун жами тўловнинг 1 фоизи, карта эгалари учун эса 1,5 фоизни ташкил этади.

## # САЙЛОВ — 2019

### САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ НИМА?

Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

◆ Ташвиқот қачондан бошланади ва қачон тугайди? Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан бошланади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганда ташвиқотга йўл қўйилмайди.

◆ Ташвиқот вақтида нималар тақиқланади? Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар курсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

◆ Сайловолди ташвиқотида имкониятлар тенглиги қандай тартибда таъминланади?

Ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

◆ Сайловчилар билан учрашувлар қандай ташкил этилиши керак?

Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдидан хабардор қилади.

Тегишли ташкилотлар учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.



8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# БОБО, НАБИРА... ВА КОНСТИТУЦИЯ

Ўтмишдан сабоқ, бугундан шукрона

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 14-модда)

...Нусрат бир пайтлар набирасидек жуда ёш эди. У ҳам боладек қувнашни, ёйилиб кулишни, хархаша қилиб йиғлашни истарди. Хохишлари кўп эди, орзулари мўл эди. Аммо бола бўлишга, боладек яшашга ўзини ҳақли деб ўйла-мас эди гўё...

\*\*\*

Дилшод бугун негадир эрта уйғонди. Ёпишқоқ киприкларини ярим букилган муштлари билан ишқаларкан, ҳали тонг ёришмаганини сездди. Бахона бўлди-ю, яна биров мизғиб ниятида ўринга чўзилди. Аммо дераза ойнасидан бобосининг шарпаси кўринди:

– Нега яна қайта ётиб олдинг, уйкучи болам? Тур. Ёнимга кел.

Набира бобоси айтганини қилди. Юз-қўлини ювиб, хонтахтанинг бир четига ўтирди. «Нима гапингиз бор», дегандек бобосига қаради. Нусрат бобо Дилшоднинг мақсадини тушунгандек сўз қотди:

– Биласанми бугун қандай кун? Эслаб кўр-чи...

Бобо набирасининг кўзини ярим юмиб бир нуқтага тикилиб қолганидан фойдаланиб телевизорни ёқди. Бироз ўтиб экранда миллилар тонгги олтини кўрсатишга ҳозирланаётган соат акси кўринди. Дилшод эса бугун кимнинг туғилган кунини эканини эслаш билан овора. Сабри тугаган набира бобосини кистовга олиди:

– Ўзингиз айта қолинг, бобожон. Бугун кимнинг туғилган кунини?

– Нега бугун кимнингдир туғилган кунини, деб ўйлаясан, болам? Аммо тахмининг бир томонлама тўғри. Чунки бу кун она юртимизнинг мустақиллигини, озодлигини ҳуқуқий пойдевори бўлган Бош қонуниimiz – мамлакатимиз Конституцияси туғилган кун. Конституция қабул қилинган кун байрам сифатида Ўзбекистон тарихига муҳрланган.

Нусрат бобо гапини тугатиши ҳамон телевизор экранидagi соат роппа-росса тонгги олтини кўрсатди-ю, Ўзбекистон давлат маҳжиси янграй бошлади. Дилшод маҳжиснинг биринчи сўзлари эшитилиши ҳамон сакраб ўрнидан турди ва ўнг қафтини кўксига қўйди. Овозини кўтариб маҳжияга жўр бўлди.

Нусрат бобонинг севинчдан кўзлари ёшланди. Бир мuddат ўтиб набирасининг ўрнига хаёлан ўзининг болалиги, ўн уч ёшли Нусратни қўйди. Кафтини юрагига яқинлаштирди. Аммо кўкси бу ёлғонни қабул қилмади. Ўйлари чалқашиб кетди. Ўзини ҳеч қачон набираси каби шодон болакай сифатида тасаввур қила олмаслигини тушуниб етди. Бутун болалиги чинакам ёлғонлар ичида ўтганидан ичи ачишди. Набирасига қараб уни унсиз дуо қилди.

Маҳжия садолари тугаган, экранда катта-катта харфлардаги ёзув пайдо бўлди: «8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун». Бобо ва набира бирваракайга чапак чалиб юборишди. Нусрат бобо Дилшодни тиззасига олиб пешонасидан меҳр билан ўпди. Кўнғир, майин сочларини қайта-қайта силади. Шу билан бир мuddат олдин тирналган хотираларини унутгандек бўлди. Сўнг нигоҳини экранга қаратди. Унда байроғимиз сарлочиндек кўкда ҳилпираб турар, кадр ортида эса Бош қонуниimiz ҳақидаги маълумотлар берилди бошлади. Бобо набирасига «диққат билан эшит» деди-ю, ўзи ҳам бор эътиборини суҳандонинг сўзларига қаратди. Суҳандон Конституциямизнинг илк саҳифасида битилган сўзларини ўқиди:

**«Ўзбекистон халқи:**

**Инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,**  
**ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,**  
**ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,**  
**демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойиш қилиб,**  
**халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қондалари устунлигини тан олган ҳолда,**  
**республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,**



ЎЗА фотоархивидан

**инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мажмур Конституциясини қабул қилади».**

Ҳа, Конституция юртимиз мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсолдир. Ўзбек халқининг асрий орзу-истакларини, аждодларимиз ёши ҳамда миллиятимиз гурурини мужассам этади. Ўзбекистонни сайёрамиздаги барча мамлакатлар қаторида тенг ҳуқуқли бўлишни таъминлайди.

Шу пайт Дилшоднинг юзига бир томчи сув тушди. Бундан ажабланган болакай елка оша бобосига қаради – томчи Нусрат бобонинг кўз ёши экан. Бобо набирасининг хайрон бўлиб термулаётганига ҳам эътибор бермади. Бўғиздан куйилиб келаётган аламларини, қайгуларини ичига қайта ютишга харчанд уринмасин, бўлмади. Аксинча, янада зўрайиб бораётган ички тугёнлари бобони узоқ болалик дамларига олиб кетди.

\*\*\*

...Ўшанда у Дилшоддан бир ёш кичик – бешинчи синф ўқувчиси эди. Кеч кузнинг аччиқ изғирини. Томсувоқ мактаб деразаларидан ғувиллаб кириб турган совуқка қарамай адабиёт муаллими берилиб шеър ўқирди...

*Бинафша сенмисан, бинафша сенми, Кўчада ақчага сотилган. Бинафша менманми? бинафша менми, Севгинга, қайгунга тутилган?*

*Бинафша, нимага бир озроқ очилмай, Бир эркин қулмасдан узилдинг? Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай, Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?*

...Болалар шеърнинг майин оҳангларига мириқиб қулоқ тугарди. Гўёки ўзининг энг севган кўшигини қуйлаётган хофиздек кўзларини ярим юмиб олган Назар муаллим шеърни тугатгач, бир оз хомуш ўтирди. Кейин икки «сўли» тепасига маҳкамланган қуёнқулоқ телпагини бошига чуқурроқ бостирди. Ингичка оёқли стулга ўтириб, томоғини қайта-қайта кирди. Сўнг бошини ўқувчилар ўтирган тарафга имкон қадар чўзди-ю, хавотирли овозда пичирлади:

– Болалар, биласизларми бу кимнинг шеъри – Чўлпонники. У бизнинг, миллатимизнинг фахри, қахрамони. Чўлпон – эрк ва озодлик куйчиси...

Синфхона эшиги зарб билан очилиб ичкарига қолхоз бригадирга Холмат чўк кириб келди. Муаллимга бошдан-оёқ қараб бўлгач, важохат билан бақирди:

– Нега буларни далага хайдамасдан, бу ерда сафсата сотиб ўтирибсиз?! Сизнинг дарсингиздан бизга нима фойда? Эшик тирқишидан ҳаммасини эшитдим. Чикаринг барчасини ташқарига...

Нусрат ўша кун синфдошлари билан қош қорайгунча даладан чикмади. Совуқдан оёқлари қотиб, уйига ҳолсиз қайтди. Эртаси кун эса бутун қишлоққа шумхабар тарқалди: «Назар муаллимни қора кийимли кишилар мактабдан олиб кетишибди»...

\*\*\*

Нусрат бобо қароғида милтиллаётган кўз ёшларини кўрсаткич бармоғи билан сидирди. Икки кўзи хайратга тўла қараб турган набирасининг бошини қафтлари орасига олиб пешонасига лаб босди. Паст овозда «Ўзингга шукр», деб қўйди. Зийрак набира Конституцияси байрам қанчалик аҳамиятли эканини англаган эди.

**Фарход ЭШМЎМИНОВ,**  
*журналист*

## Огоҳлик

### Нега айрим ЙПХ ва ППХ постлари қайта тикланмоқда?

*Чегара ҳудудларида аввалроқ тугатилган ЙПХ ва ППХ постлари фаолияти қайтадан тикланмоқда. ИИБ бунинг байрамлар ва сайлов давридаги вақтинчалик чора эканини маълум қилди.*

2017 йил сўнгида Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг парламентга мурожаатида вилоятлар ўртасидаги постларни тугатишни топширган эди. Бу каби постларнинг мавжудлиги одамларнинг ҳаракатланишини, шунингдек, иктиодиёт ҳамда ички ва ташқи туризмнинг ривожланишини чегаралашни айтилган эди.


Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги қарорига мувофиқ, республика ҳудудида мавжуд бўлган 133 та йўл-патруль хизмати стационар постлари ва патруль-пост хизмати постларидан 74 тасининг фаолияти тугатилиб, бугунги кунда улардан 59 таси ўз ишини давом эттирмоқда.

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда Фарғона вилоятида «Фарғона-Водил», «Фарғона-Авалл» йўлларидagi, Хоразм вилоятининг Хазорасп туманидаги «Тупроққалъа» ЙПХ пости, Сурхондарё вилояти Термиз тумани Денов шаҳридаги «Солиобод» ППХ блокпости, Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги «Найнаво» ППХ пости ва бошқа

постлар қайта тиклангани ҳақидаги хабарлар пайдо бўла бошлади.

ИИБ матбуот қотиби Шохрух Ғиёсовнинг «Газета.uz»га маълум қилишича, ўтказилиши режалаштирилаётган нуфузли сиёсий ва байрам тадбирларига тайёргарлик кўриши ва ўтказиш жараёнида хавфсизликни таъминлашни самарали ташкил этиш мақсадида айрим ҳудудларда вақтинчалик йўл-патруль ва патруль-пост хизмати постлари ташкил этилмоқда.

Шу билан бир қаторда, юзага келган тезкор ва криминоген вазиятни инобатга олган ҳолда Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошқармалари томонидан ЙПХ ва ППХ постларини вақтинча ташкил этиши ва тугатиш тартиби мавжуд, дея таъкидлаган матбуот қотиби.



## ЭШИТДИНГИЗМИ?

**Хива – 2020 йилда турк дунёси маданияти пойтахти**

*Жорий йилнинг 30 ноябрь куни Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисига 2020 йилда Хива шаҳри турк дунёсининг маданий пойтахти, деб эълон қилинди.*

Хива шаҳрига бу мақомни бериш таклифи 2018 йил сентябрь ойида Қирғизистонда ўтказилган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг VI саммитида билдирилган эди.

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Озарбайжон пойтахти Бoku шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг VII саммитида иштирок этиб, 2020 йилда Хива шаҳри «Туркий дунёнинг маданий пойтахти» деб эълон қилиниши қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга, абдий дўстлигимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишини таъкидлаган эди.





# «БИЗНИ ОРЗУЛАР ОҚАНГИДА АЛДАЁТГАНЛАР...»

## ёки замонавий судхўрлик феномени

«Уч кундан зиёд ўзингни бахтиёр сезяпсанми, демак нимадандир ҳали беҳабарсан... Кувонч унчалик узоқ давом этиши мумкинмас», – дейди донолар. Яхши хабарларни кам эшитяпми. Улкан уммон ҳам ундан олинган пиледадаги бир ҳўплам сув кабир, бир тошни ушлаб, буюқ тоғни тасаввур қилиш мумкин. Баъзан кундалик бир хабар ҳам бепоеён хаёлларга, тафаккурга судрайди. Ахборот тасмаларидан бирида шу сатрларга кўзим тушди: «Ўзбекистондаги хусусий бандлик агентликлари уттизтаси (!) томонидан бирорта ҳам фуқаро шу кунга қадар хорижий давлатларга ишга юборилмаган...» Бу ҳақда 2019 йил 25 октябрь куни парламент Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда миграция жараёнлари: муаммо ва ечимлар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида айтилди.



Бугун-чи?! Хабарлар тасмаларига эътибор берайлик. «Ички ишлар вазирлиги Тергов департаменти хабарига кўра, «Human xususiy bandlik agentligi» МЧЖ мансабдор шахслари 2018 йил ноябрь ойидан 2019 йил сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Германия, Чехия, Япония, Туркия, Болгария ва Литва давлатларига юбориб, ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, ҳар бир фуқародан таклиф этилган иш туридан келиб чиқиб, 11 миллион 500 минг сўмдан 35 миллион сўмгача бўлган пул маблағларини жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш орқали кўлга қиритиб, шу кунга қадар уларни ишга жойлаштириш чораларини сўмасдан, фуқароларнинг 20 миллиард сўмдан зиёдрок жуда кўп миқдордаги пуллари қиритилган ҳисоб рақамига ўтказиб олишган».

Хўш, чет элга ҳеч қимни жўнатиб бўлса, пуллар қаерда?

партаменти томонидан 10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди, яъни «алдаш ва ишончни суистеъмой қилиш» йўли билан ўзганин жуда кўп миқдордаги мулкни кўлга қиритиш ҳолати юзасидан жиноят иши кўзга тилди. Аниқланишича, фуқаро Қахрамон О. ва бошқалар «Korean and migration xususiy bandlik agentligi» МЧЖни таъсис этиб, хорижда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ниётида чет элга ишлаш истагидан бўлган фуқароларга Ёлгон ваъдалар бериб, жамиятга мурожаат қилган 645 нафардан зиёд фуқаронинг ҳам бириндан 27 миллион сўмдан 32 миллион сўмгача бўлган пул маблағларини жамият балансига қиритиб келиш йўли билан жами 19 миллиард сўмдан ортиқ пулни кўлга қиритган ва ушбу маблағларни шахсий манфаатлари йўлида сарфлаб юборишган. Тафсилотнинг қизиқ ери шундаки, бу агентлик мансабдор шахслари Отақулов ва Қобулов муқаддам ЖК 168-моддаси, яъни қиритилган жиноятнинг шартнома билан судланган кимдан кимга қиритиб берилган пулни кўлга қиритиб олишган. Тафсилотнинг қизиқ ери шундаки, бу агентлик мансабдор шахслари Отақулов ва Қобулов муқаддам ЖК 168-моддаси, яъни қиритилган жиноятнинг шартнома билан судланган кимдан кимга қиритиб берилган пулни кўлга қиритиб олишган. Тафсилотнинг қизиқ ери шундаки, бу агентлик мансабдор шахслари Отақулов ва Қобулов муқаддам ЖК 168-моддаси, яъни қиритилган жиноятнинг шартнома билан судланган кимдан кимга қиритиб берилган пулни кўлга қиритиб олишган.

**Жанубий Кореяга ишлаш учун  
Тошкентдан бандликка кўмаклашиш  
тизимидан ташқари ҳеч қим ҳеч қим  
қимсани ишлашга юбора олмайди.  
Бу муқаррар қонундир.**

«МЧЖ мансабдор шахслари томонидан жиноят йўли билан топилган пулларга ҳарид қилинган Тошкент шаҳрида жойлашган 4 та ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган 1 та хонадон, бир дона «КИА» русумли юз машинаси, бир дона «Lacetti» русумли ва бир дона «Cobalt» русумли машинаси ҳамда 6 000 АҚШ доллари миқдоридagi пуллар олдиниб, ашёнвий далил деб эътироф этилган ва улар қелгусида жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашга қаратилган. Бу, албатта, маблағнинг бир қисми, холос.

Яна бир хабар. «Тошкент шахрининг Яққасарой туманида истикомат қилувчи фуқаро Хуршид Д. Чилонзор туманида жойлашган «Korean and migration xususiy bandlik agentligi» МЧЖ раҳбарларидан шикоят қилган... Фуқаронинг ҳикоя қилишича, у жорий йилининг февралда ўз танишлари ҳамроҳлигида мазкур хусусий агентликка борган ва уларни кутиб олган ташкилот ходими Жанубий Кореяга ишга кетиш нияти борлигини айтган. Фирма вакиллари билан суҳбатлашгач, февраль ойи сўнгига агентлик ва фуқаро ўртасида шартнома тузилган, унга кўра Хуршид Д. банк орқали 27 миллион сўм тулов қилган. Шундан сўнг, ташкилот директори унга март ойи охирида Кореяга ишга кетишини айтди. Лекин ноябрь ойига келиб ҳам фуқарога на иш топилган ва на унинг маблағи қайтарилган. Хуршид Д. Ўзбекистонда ўзи сингари ушбу агентлик раҳбарлари ваъдаларига ишониб юрганлар сони мингга яқин эканини билдириди. Шартномадаги туловдан ташқари «шапка» ҳам берилган. «Мен кўпчилик катори тезроқ юборишлари учун нақд кўринишда 1 минг 700 АҚШ доллари миқдорида «шапка» бердим. Бироқ, шунда ҳам олдинги силжиш қузатилмади. Май ойида Ташки мекхнат миграцияси агентлигига кўнғироқ қилиб, бор ҳолатни айтдим. Мен билан гаплаган ҳодим хусусий бандлик агентликлари Кореяга ишга юбориш ваколатига эга эмаслигини маълум қилди... Саккиз ойдан бери на ишга юборилган, на пулни қайтаришдан дарак бор».

Тафсилотнинг қизиқ ери шундаки, бу агентлик мансабдор шахслари Отақулов ва Қобулов муқаддам ЖК 168-моддаси, яъни қиритилган жиноятнинг шартнома билан судланган кимдан кимга қиритиб берилган пулни кўлга қиритиб олишган. Тафсилотнинг қизиқ ери шундаки, бу агентлик мансабдор шахслари Отақулов ва Қобулов муқаддам ЖК 168-моддаси, яъни қиритилган жиноятнинг шартнома билан судланган кимдан кимга қиритиб берилган пулни кўлга қиритиб олишган.

К.Отақулов ва унинг жиний шериклари Қашқадарё вилоятинан 955 нафар; Самарқанд – 345, Сурхондарё – 254; Наманган – 193, Тошкент – 304 нафар ва бошқа вилоятлар фуқароларини чўв туширган.

**СТАТИСТИКА**  
2018 йил 30 ноябрдан ҳозирги кунга қадар 90 та хусусий бандлик агентликлари давлат реестрига киритилган, шундан 66 та ХБАга фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш билан шугулланиш учун лицензия берилган. Утган давр давомида фаолиятини тўғри бошқара олмаганлиги, ўз ташаббуси ёки қонунбузарликларга йўл қўйганликлари учун 8 та хусусий бандлик агентлигининг лицензияси бекор қилинган, 3 та ХБА лицензияси вақтинчалик тўхтатилган ва 3 та ХБАга жиноят иши очилган. Ҳозирги кунда ХБАлар томонидан, Россияни истисно қилганда, чет элга ишга юборилган фуқаролар сони 871 нафар, холос. Хусусий бандлик агентликлари томонидан чет элга ишга юборилган дуч келган фуқаролар томонидан Ташки мекхнат миграция агентлиги ва хусусий бандлик агентликлари номига шикоят ва аризалар келиб тушиш ҳолатлари қузатилган.

«Уч кундан зиёд ўзингни бахтиёр сезяпсанми, демак нимадандир ҳали беҳабарсан... Кувонч унчалик узоқ давом этиши мумкинмас», – дейди донолар. Яхши хабарларни кам эшитяпми. Улкан уммон ҳам ундан олинган пиледадаги бир ҳўплам сув кабир, бир тошни ушлаб, буюқ тоғни тасаввур қилиш мумкин. Баъзан кундалик бир хабар ҳам бепоеён хаёлларга, тафаккурга судрайди. Ахборот тасмаларидан бирида шу сатрларга кўзим тушди: «Ўзбекистондаги хусусий бандлик агентликлари уттизтаси (!) томонидан бирорта ҳам фуқаро шу кунга қадар хорижий давлатларга ишга юборилмаган...» Бу ҳақда 2019 йил 25 октябрь куни парламент Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда миграция жараёнлари: муаммо ва ечимлар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида айтилди.

Хўш, чет элга ҳеч қимни жўнатиб бўлса, пуллар қаерда?

«Уч кундан зиёд ўзингни бахтиёр сезяпсанми, демак нимадандир ҳали беҳабарсан... Кувонч унчалик узоқ давом этиши мумкинмас», – дейди донолар. Яхши хабарларни кам эшитяпми. Улкан уммон ҳам ундан олинган пиледадаги бир ҳўплам сув кабир, бир тошни ушлаб, буюқ тоғни тасаввур қилиш мумкин. Баъзан кундалик бир хабар ҳам бепоеён хаёлларга, тафаккурга судрайди. Ахборот тасмаларидан бирида шу сатрларга кўзим тушди: «Ўзбекистондаги хусусий бандлик агентликлари уттизтаси (!) томонидан бирорта ҳам фуқаро шу кунга қадар хорижий давлатларга ишга юборилмаган...» Бу ҳақда 2019 йил 25 октябрь куни парламент Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда миграция жараёнлари: муаммо ва ечимлар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида айтилди.

«Уч кундан зиёд ўзингни бахтиёр сезяпсанми, демак нимадандир ҳали беҳабарсан... Кувонч унчалик узоқ давом этиши мумкинмас», – дейди донолар. Яхши хабарларни кам эшитяпми. Улкан уммон ҳам ундан олинган пиледадаги бир ҳўплам сув кабир, бир тошни ушлаб, буюқ тоғни тасаввур қилиш мумкин. Баъзан кундалик бир хабар ҳам бепоеён хаёлларга, тафаккурга судрайди. Ахборот тасмаларидан бирида шу сатрларга кўзим тушди: «Ўзбекистондаги хусусий бандлик агентликлари уттизтаси (!) томонидан бирорта ҳам фуқаро шу кунга қадар хорижий давлатларга ишга юборилмаган...» Бу ҳақда 2019 йил 25 октябрь куни парламент Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда миграция жараёнлари: муаммо ва ечимлар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида айтилди.

**ИБТИДО...**  
Маълумки, миграция глобал дунёда бугун муқаррар жараёндир. Одамларнинг чет элга ишлашга салбий ҳодиса ҳам, ҳижолатли ҳам эмас. Инсоннинг яхши яшаш учун яхши шaroитда ишлаш ва яхши маош олиш ҳукми бутун дунёда эътироф этилган халқаро ҳуқуқдир. Бизнинг одамларимиз каттарок маошли иш илинжида Россия ва Қозғистонга кетаётган бир пайтда Россия, Украина ва Қозғистон фуқаролари Шарқий Европага – Польша, Венгрия, Шарқий Олмонияга ишлашга кетганлар, чунки Россиянинг бизга катта туюлган маоши россияликларнинг ўзи учун камдир. Шарқий Европаликлар – поляклар, венгэрлар, болгарлар миллионлаб Ғарбий Европага – Францияга, Англияга, Швецияга ва бошқа юртларга кетганлар ва уларнинг бўшб қолган ўринларига бизниқилар бориб ишлашмоқда. Юз минглаб ўзбеклар бориб ишлаётган Туркиядан миллионлаб турклар бориб Олмонияда ишлайдилар. Катта маош илинжи миллионларни АҚШга етказилган.

жўнатадиган йиллик маблағлари 33 миллион аҳолиси бор Ўзбекистоннинг давлат бюджетидан кўлидир. Шундай қилиб, давлатнинг мақсоди чет элга ишлашга қаршили қилиш эмас, асл мақсад одамларни чет элга жўнатиш учун ўқитиш, фаррошлик ва қоровулликка эмас, катта маошли жиддий малакаталаб, юксак технологияли касбларни ўргатиш ва мигрантлар оқимини қашоқ давлатларга эмас, ривожланган давлатларга йўналтиришдир. Шунинг учун хусусий бандлик агентликлари ҳам шу юмушлар билан шугулланишга рухсат берилди.

**ОҚИБАТ...**  
Маълумотларга кўра, «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонуни асосида 88 та юридик шахс хусусий бандлик агентлиги сифатида Меҳнат вазирлиги реестрида рўйхатдан ўтказилган. Улардан 65 тасига фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш фаолияти билан шугулланиш учун лицензия берилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 59 таси ўз фаолиятини юритмоқда. Шу билан бирга, Ташки мекхнат миграцияси агентлигига ва бошқа маъсў ҳуқук-тартибот идораларига айрим хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан кўплаб шикоятлар келиб тушган. Хорижда иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида лицензия эга бўлган 65 та хусусий бандлик агентликлари билан 30 таси томонидан бирорта ҳам фуқаро шу кунга қадар хорижий давлатларга ишга юборилмаган.

**«Истаган давлатга ишга юборадиган» агентлик аслида йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Ҳатто давлатнинг қонуний Ташки мекхнат миграцияси агентлиги ҳам тўртта ё бешта давлат билан ҳуқуқматларро ва идораларо шартномага эга ва фақат шу давлатларга ташкилий тарзда юбора олади. Агентликнинг хусусий шартнома бўлими эса фуқаронинг ўзи иш топган давлатга бориб ишлаш учун рухсатнома расмийлаштирадиди, холос.**

Бунгача йиллар давомида Ташки мекхнат миграцияси агентлиги ҳуқуқматларро ва ташкилотларо битимлар асосида Кореяга, шу билан бирга, охири пайтларда Туркияга, Польшага, Японияга ва бошқа айрим Европа ва араб давлатларига ҳам мекхнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни жўнатишга ҳаракат қилаётган эди ва уларнинг сони йилга тўрт мингтага ҳам бормасди.

Холбуки, хорижда ишлашни истайдиганлар сони саккиз миллионгача эди. Уша «омалди» тўрт мингтаининг ичида бўлиш учун хатто «шапка» беришга ҳам тайёр инсонлар миллионлабдир. Илгари ҳам турли фирмибгарлар чет элга ишга юбориш ваъдаси билан одамларнинг пулларини олиб, йиллар бўйи қайтармай юрардилар. Кўлга тушганлари гоҳо судланарди ва чикиб яна ишнинг давом эттирар эди. Шундай бир пайтда хусусий бандлик агентликлари очини имконияти пайдо бўлди. Хайри ташаббус ва талбир эди бу. Аммо... ростакамига ишламоқчи бўлганлар билан бирга, фирмибгарлар ҳам шу соҳага ёпирилдилар. Чунки улар кўпдан ортиқ қилган йўл – фирмибгарликнинг микёсини бир неча поғона юоринга кўтариш имкони очилганлиди.

Улар истаган давлатга ишлашга юбора олишларини эълон қила бошладилар. Гоҳо у ёки бу вилоятда «истаган дарлга даво топган» табиблар чикиб қолади. Шотирларни бу «ракни ҳам даволайди», «песу моховини ҳам даволайди» деб ташвиқот қилади. Борсанг, албатта, тўрт-беш «ракдан даволанган», «моховидан даволанган» ясама беморлар ўша ерда айлиниб юради, узокка кетмайди. Оқибат ҳеч қим даво топмагач, бу вилоятдаги барча содда одамлар тугагач, бошқа вилоятда «истаган дардини даволовчи табиб» пайдо бўлади. Ҳаммаси бир бошдан бошланади... Худди шундай «истаган давлатга ишга юборадиган» агентлик аслида йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Ҳатто давлатнинг қонуний Ташки мекхнат миграцияси агентлиги ҳам тўртта ё бешта давлат билан ҳуқуқматларро ва идораларо шартномага эга ва фақат шу давлатларга ташкилий тарзда юбора олади. Агентликнинг хусусий шартнома бўлими эса фуқаронинг ўзи иш топган давлатга бориб ишлаш учун рухсатнома расмийлаштирадиди, холос.

Масалан, хусусий бандлик агентликлари алданган фуқароларнинг каттагина қисми «Жанубий Кореяга ишлаш учун кетаман» деб фирмибгар агентликларга чўв тушганлар. Холбуки, Жанубий Кореяга ишлаш учун Кореянинг бандликка кўмаклашиш тизимидан ташқари ҳеч қим ҳеч бир қимсани ишлашга юбора олмайди. Бу муқаррар қонундир. Жанубий Корея дунёдаги ўн икки давлатдан ишчи олади ва бошқа бирор давлатдан ишчи олмайди. Ўзбекистон шу ўн икки давлатдан бери, аммо Жанубий Корея фақат давлат ва ҳуқуқмат ташкилоти орқали олади ва бошқа йўл билан олмайди. Синов тествларини кореяликлар ўзи қабул қилади, ишчиларни Корея томонининг ўзи талайди. Ҳатто ҳамкор давлат ташкилоти ҳам ҳеч қачон жўнатишни қафолатлай олмайди. Қолаверса, Кореяга бориб ишлаш учун имтиҳонлар харажатларига тўланадиган бир неча ўн долларлик пул ва мослашиш марказида ўқитиш ҳамда тиббий кўриқдан ўтказиш учун Ўзбекистон томони агентлигига тўланадиган бир неча минимал маошдан иборат тўловдан бошқа бир тийин харажати йўқ. Буларнинг бари биргалликда 250-350 доллардан ошмайдиган маблағдир. Буларнинг бари аён бўлган бир ҳолатда хусусий бандлик агентликлари ваколатлари бўлмаган ҳолда Кореяга ишга жўнатишни қафолатлаб, одамларни жалб этганлар ва хатто улардан 2000-5000 АҚШ доллари эквивалентлида олдиндан маблағ олганлар. Худди «сохта табиблар» каби теваракда «кечагина укамни шу ердан жўнатдим», «икки ўғлим шу фирмалдан кетди, учинчисини юборяпман» деб турадиган «даъватчи»лар юрган. Ҳатто фирмаларнинг бири корейлик тайини йўқ бир қимсани фирмасига ўтказиб қўйган ва келган «талабгор»ларни гўе унинг суҳбатидан ўтказган. Одамлар агентликда «тирик корейлик»ни кўриб лакка тушганлар.

**НАТИЖА**  
Бугун аёнки, очилган хусусий агентликларнинг аксарияти бирорта ҳам одамни чет элга жўнатишган. Жўнатганларнинг ҳам ютуқлари мактанғулук эмас, чунки бу мураккаб ишдир. Хусусий бандлик агентликлари билан шартнома тузган хорижий ҳамкорлар ҳамма ҳам ҳалол ва тайинли шахслармикан? Улар мигрантларнинг қад-қимматини жойига қўйиб ишлатадиларми ёки мажбурий мекхнатга дучор қиладиларми? Хусусий агентликлар юборган мигрантларнинг мекхнат шароитлари қандай? Улар маошларини ўз вақтида оладими? Улар чет элга юборган ишчилар одам савдоси қурбонлиги бўлмағлига ёки диний-экстремистик гуруҳларга жалб этилмаслигига қим қафолат беради? Булар оғир ва оғриқли саволлардир. Ҳали вақти келганда қаршимизда кўп тафсилотлар очилади.



# ШАРАФЛИ КАСБНИНГ «ШАРАФ»И ҚАЕРДА?

Заррача бўлса-да иқтидор ва қобилиятни юзага чиқариш осон эмас. Бу ўқитувчидан катта маҳоратни, ўқувчидан, айни вақтда унинг ота-онасидан улкан матонатни талаб этади. Жамиятдаги ҳар бир ўзгариш ҳам, биз катта умид билан кўз тикаётган ислохотлар ҳам шунга боғлиқ аслида.

Биз ўқиган дамларда ўқитувчи нафақат билим берадиган, балки ўқувчининг тарбия олишида ҳам ота-онадан кейин турадиган муҳим шахс сифатида қадрланар ва ўқувчилар ҳам ота-онасини қанча хурмат қилиб, ўз айблари учун кўрқиб туришса, устозларидан ҳам шунча ҳадиксирар эди. «Устоз отангдан улуғ» деган мақоланинг кадрию киммати бор эди ўшанда.

Бугун мана шу нақл ҳам эскиргандек гўё. Негаки, баъзи ўқувчилар таълим-тарбия берадиган устозининг хурматини ўз ўрнига қўймаслиги, бунга ота-она ҳам бепарво экани тез-тез кўзга ташланыпти. Айниқса, ёш ўқитувчиларни назар-писанд қилмай, сал соддарок бўлса, дўқ-пўписа қилишдан ҳам тап тортмайдиган «зўравон» ўқувчилар тоифаси пайдо бўлганига нима дейсиз?

Баъзан айрим ҳамкасбларим ўқувчиларининг тарбиясидан нолиб, «гапга кирмаётганидан» шикоят қилиб қолишади. Ота-онаси билан тушунтириш ишларини олиб боришни, тарбияни икки

томонлама йўлга қўйишни маслаҳат берсам, бу фойда бермаётганидан, ҳаттоки тарбияси оғир боласининг тарафини олиб, судлашишга борадиган ота-оналар борлиги ҳақида ўрғаниб гапиришади. Афсуски, бу – айни ҳақиқат.

Тарбияли ва билимга чанқок ўқувчиларимиз ютуғи бизнинг ҳам муваффақиятимиздир. Бунинг ортидан биргина ташаккур эшитиш ўз касбимизга бўлган ғурур-ифтихорни уйғотади. Бироқ гапга кирмайдиган, кўп дарс қолдириб, вазифаларни ўз вақтида бажармайдиган, ота-онасига айтсанг, тушунишни ҳам хохламайдиган ўқувчилар учун мактаб раҳбаридан тез-тез «дакки ейишимиз» адолатга қанчалар тўғри келади?

Беш қўл баробар бўлмаганидай, ўқитувчининг сўзларини жон қулоғи билан эшитадиган, фарзандига бефарқ бўлмаган ота-оналар ҳам, фарзандидан сал шикоят қилсанг, ўзингни «аямай савалайдиган» катталар ҳам топилади. Қуни кеча ўқув хонаси ёнида бир она ва ўқитувчининг тортишаётганига кўзим тушди. Сухбатдан англашилдики, дарсни ўз вақтида тайёрламаган, натижада «2» баҳо билан «сийланган» ўқувчи ўз айбини яширган, «мағзавани устозининг устидан қуйган» шеклли онаси шикоят билан ўқитувчининг олдида келган. Ҳамкасбим қанчалик тушунтиришга уринмасин, фарзандининг ақлли эканини пеш қилган онани фикридан қайтариб бўлмади.

Бунақа ҳолатлар таълим-тарбия беришга ошиққан ўқитувчининг ҳаётида кўп бор содир бўлади. Оилада яхши тарбия олмаган фарзандини тартибга чақириб

қўйишдан ташқари, уларнинг ота-онаси билан ҳам «тарбиявий соат» ўтишга тўғри келади, баъзан. Тўғри, айрим ота-оналар кун ора фарзанди одобидан, дарсларни ўзлаштиришидан хабардор бўлиб туради. Лекин бундай ота-оналар сафи кам.

Фарзанди мактабга қатнашни бошлаган тўрт-беш йилдан буён ақалли бирор марта бўлсин мактабга қадам ранжида қилмаган ота-оналар борлигига нима дейиш мумкин!?

– Оиламизда фарзанд таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Мактабдаги ота-оналар мажлисида иштирок этишдан ташқари, фарзандининг тартиб-интизоми, фанларни қандай ўзлаштираётганини билиш учун синф раҳбари билан тез-тез боғланиб тураман. Негаки, мактаб даври – фарзанд асосий билимини оладиган, шаклланадиган, катта ҳаёт сари қадам қўядиган муҳим палла. Бундай вақтда болалар янглишиши, ҳатто тўғри йўлдан адашиши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам унинг ҳар қадамидан хабардор бўлиб туришимиз шарт, – дейди 5-синф ўқувчиси Муниранинг онаси Маъмура опа Йўлдошева.

Агар ҳар бир ота-она фарзандининг келажаги ҳақида қайғуриб, оила ва мак-



таб алоқаларини йўлга қўйган ҳолда фарзанд тарбияси устида иш олиб бурса, айрим муаммоларининг олдини олган бўламиз. Ота-она фарзандининг ёнини олиб, ўқитувчи билан жикқамуш бўлишга боришса, ўз тарбиясидан мамнун фарзанддан эртага нимани кутиш мумкин? Давлатимиз томонидан муаллимларга яратилиб берилаётган имкониятлар билангина ўғил-қизларимиз келажагини қура олмаймиз. Ўқитувчилар мактабда ўқувчиларини назорат қилишса, ота-она уйда фарзанди тарбияси масаласида ҳушёр бўлиши, таълим-тарбияга беъэтибор бўлмасликларини сўрардим. Ана шундагина фарзандларимизнинг тарбияли ва келажаги порлоқ бўлишига замин ҳозирлай оламиз.

Гулчехра БАЙМУРАТОВА,  
Навий шахридаги 2-умумтаълим  
мактаби ўқитувчиси


РЕКЛАМА



## «Ўзагросуфурта» акциядорлик жамияти Бухоро вилояти филиали жамоаси

Сиз азиз юртдошларимизни Асосий қонунимиз –  
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг  
27 йиллиги айёми билан самимий қутлайди!

Мамлакатимизда доимо қонун ва адолат устувор,  
хонадонларимиз тинч ва осойишта бўлсин!



Кизматлар лицензияланган.



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯСИ

«Қўшқўпир-

давсувмахсуспудрат»

давлат унитар корхонаси

жамоаси

Мамлакат суверенитети, тинчлик ва  
осойишталигимиз асоси –  
Бош қомусимиз қабул қилинганининг

**27** йиллиги байрами билан  
муборакбод этади!

Конституциямиз байрами  
барчага муборак бўлсин!  
Ҳаётимиз тинч, осмонимиз  
ҳамиша мусаффо бўлсин!

**ОИЛА**  
DAVRASIDA

Mustahkam oila — yurt tayanchi

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси  
таҳририяти масъулияти  
чекланган жамияти

Бош мухаррир  
Хусниддин БЕРДИЕВ

**МУАССИСЛАР:**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш  
бўйича Республика кенгаши;  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алокабанк»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарқ» наприйет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова,  
Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира  
Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло  
Холмухамедов, Муҳаммаджон Қуроно

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-1237  
ISSN 2181-6190      Обуна индекси – 193  
Адади: 2 829 нуска.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Оффсет усулида босилган.

Чоп этишга тоширилади: 22:00

ISSN 2181-6190



9 772181 619005

123с. 6





# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ: ҲАММАСИНИ ТАЪЛИМДАН, БОҒЧАДАН БОШЛАШИМИЗ ЗУРАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2030 йилгача мамлакатимизда ижтимоий демократик давлат асосларини шакллантиришни ўзининг асосий дастурий мақсади этиб белгилади. Сайловлардан сўнг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатларимиз яқин беш йил ичида ушбу мақсадга эришиш йўлида жамият ҳаёти учун муҳим ва долзарб бўлган ўн икки қадамни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Давлатимизнинг бугунги куни ва келажаги учун энг муҳим ҳамда кечиктириб бўлмайдиган бир вазифа бор. Бу – инсон ва халқ манфаатларини химоя қиладиган изчил ислохотларни амалга ошириш механизминини яратадиган, уни амалиётга тўла жорий эта оладиган янги давр мутахассисларини тайёрлаш масаласидир. Сўнгги пайтларда маҳаллий мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига, жамиятдаги ахлоқий ва эстетик меъёрларга тўла мос келмайдиган бир қанча ҳолатлари тез-тез кузатила бошланди. Бу эса кўпчилигини ўринли равишда ташвишга солгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Катта миқдорда пора олиш, бошқаларнинг шаъни ва кадр-кимматини менсимаслик, ўз қўл остидаги мутасадди ходимларига ўз билармонларча салбий муносабатда бўлиш, шунинг баробарида, қонунни ҳам, кадриятлару ахлоқий меъёрларни ҳам оёқ ости қилиш каби ҳолатлар, афсуски, халқимиз учун ҳам, халқаро ҳамжамият олдидики маъқимиз учун ҳам номаъқул ҳисобланади.

Бу масалани ижобий ҳал қилиш учун унга шунчаки юзаки ёндашиш, аниқланган қонунбузарликка қарши жазо ёки жарима белгилаш билан бирор жиддий натижага эришиб бўлмайди. Ишни муаммонинг туб илдиридан бошласаккина қутилган самарага эришиш имкони мавжуд. Акс ҳолда олиб борилаётган ислохотлар ҳеч кимга наф келтирмасдан фақат қоғозда – ҳисоботларда қолиб кетаверади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратишга эришиш учун курашади.**

Олти ёшгача бўлган болаларни мажбурий мактабгача таълим ва тарбия билан тўла камраб олиш, мактаб ўқувчиларига жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқини тақдим этиш, барча мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида ўқувчилар ва тарбияланувчиларни соғлом озиқ-овқатлар билан қафолатли таъминлаш, олий таълим тизимини ривожлантириш, хусусан, таълим шартномалари нархини оптимallasштириш, эҳтиёжи бор талабаларни турар жойлар

билан таъминлаш масаласи ЎзХДПнинг Сайловолди платформасидаги муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда олти ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълим тизимига жалб қилиш мавжуд контингентнинг бешдан бирини ҳам камраб ололмади. Жойлардаги мактабгача таълим муассасалари эса ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан бугунги кун талабларига жавоб бера олмади. Натижада, иш билан банд ота-оналар фарзандларини кун бўйи боғчада вақт ўтказишига фақат ноилжликдангина мажбур бўлишди. У ердаги мавжуд шароит, тарбиячиларнинг муомаласи, ўз ишига ёндашуви ҳамда озиқ-овқат таъминоти кўпчилик ота-оналарга маъқул келмаганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Соҳа фаолиятини ислоҳ қилишга оид чора-тадбирлардан кейин жойларда муаммолар ечимига киришилди. Айниқса, хусусий мактабгача таълим муассасалари фаолиятини кенг йўл очилиши мазкур соҳада янгидан-янги ўзгаришлар қилинишига асос берди. Мактабгача таълим тизими фаолиятини мунтазам мувофиқлаштириб туриш мақсадида алоҳида вазирлик ташкил қилинди ҳамда соҳанинг моддий-техник базаси учун давлат бюджетидан етарлича маблағ ажратилди. Жойларда барча

замонавий қулайликларга эга бўлган янги типдаги мактабгача таълим муассасалари қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирда бошланган ишлар жадаллик билан олиб борилаётган бўлса-да, барча ҳудудда бу фаолият қутилганидек, деб бўлмайди. Мактабгача таълим муассасаси ташкил қилиш учун имтиёзли кредитлар олиш, ер-жой масаласи ёки янги муассасани ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш каби ҳолатлар жойлардаги айрим маҳаллий мансабдорларнинг қушқондан ташқари тўрачилиги боис кўплаб тўсиқларга учрамоқда. Янги типдаги бундай муассасаларни олий маълумотли, ўз ишига фидойи, виждонли, касбига садоқатли мутахассис кадрлар билан етарлича таъминлаш масаласи ҳам деярли барча ҳудудларда кун тартибдаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Болаликдаги таълим ва тарбия фарзандларимизнинг эртанги фаровон ҳаёти, оила, жамият ва давлат олдидаги масъулиятли фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ана шундан келиб чиқиб, ЎзХДП келажақда болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўла камраб олишни кўзламоқда. Бу борада мазкур муассасалардаги таълим-тарбия сифатига алоҳида эътибор қаратилиши шарт. Лекин, афсуски, бизда ҳатто мактабларимизда ҳам таълим сифати ва самарадорлиги халқаро мезонлар асосида кўриб чиқилмаган. Таълим-тарбияга қўйиладиган сифат стандартлари боғчадан бошлаб жорий этилмас экан, келажақ бунёкорлари бўлган миллион-

## XALQ MANFAATLARI HAMMA NARSADAN USTUN!



ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИДАН  
КО'РСАТИЛГАН

## NOMZODLARGA OVOZ BERING!

лаб фарзандлар умри беҳуда ва бекорчи машғулотларда зое қилинаверади. Бундай мўрт пойдевор асосида шаклланган болалардан куни келиб жамиятни тўғри ва одилона бошқарув механизмини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишини кутиш бефойда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси кўп минг йиллик тарихий-миллий тамойилларга таянган ҳолда ҳамда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, халқаро тажрибаларнинг илгор жиҳатларини ўзида акс эттирувчи мактабгача таълим тизимини ривожлантириш масаласини бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб муаммоси деб билади. Келгуси беш йилликда мамлакатимизнинг стратегик таракқиёти учун жонбозлик

**Мактабгача таълим муассасаси ташкил қилиш учун имтиёзли кредитлар олиш, ер-жой масаласи ёки янги муассасани ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш каби ҳолатлар жойлардаги айрим маҳаллий мансабдорларнинг қушқондан ташқари тўрачилиги боис кўплаб тўсиқларга учрамоқда.**

кўрсатиш, аввало, мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш билан боғлиқдир. Чинакам инсон омилга бўлган талаб тобора ортиб бораётган глобаллашув шароитида келажақни фақатгина софдил, фидойи, пок виждонли, имон-эътиқодли, миллий ва умумбашарий анъана ва кадриятларга содиқ, билимли, оқил ва тадбиркор, ишбилармон ва уддабурон ёшлар барпо этишини унутмаслигимиз шарт. Ўзбекистоннинг бугунги ҳам, эртаси ҳам ер ости ва ер усти бойликлари, табиий ресурслар, sanoat ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари, кишлoқ хўжалиги захиралари бўлиши билан бирга, биринчи навбатда бу моддий ва маънавий бойлигимизни тўғри тасаруф эта оладиган мутахассис-кадрлар эканидан кўз юма олмаيمиз.

Агар мактабгача таълим тизими мавжуд хато ва камчиликлардан холи этилиб, мазкур тизим тўғри ва раvon ишлаб бошласагина ундан кейинги босқичдаги ишларимиз: бошлангич ва ўрта таълим, касбий таълим, олий ва ундан кейинги таълим тизими тўғри, аниқ ва барқарор ишлаши учун пойдевор бўла олади.

Бугун эса ана шу асосий муаммо ҳал қилинмаганидан эмг кичик тизимдан

бошлаб катта доираларгача бир-бирига номувофик бир қанча ҳолатлар, ҳатто қонунлардаги чалқашликлар, унинг амалиёти билан боғлиқ чигалликлар тез-тез учраб турибди. Масалан, олий таълим тизимида ўқиётган талаба белгиланган тўлов-шартнома миқдорини тўлаган бўлса-да, унинг турар жой ёки прописка билан таъминланиши масаласи узил-кесил ўз ечимини топгани йўқ. Олий таълим муассасаси ўқишга қирган талабага контракт тўлаш учун ўн беш кун, бир ой, бу йил эса икки ой муҳлат берган. Шу муддат ичида талабага талабалар сафига қабул қилингани ҳақида буйруқ чиқарилмайди. Демак, у юридик жиҳатдан ўзи ўқиётган университетнинг расмий талабаси эмас. Табиийки, бундай пайтда у турар жой билан ҳам таъминланмайди. Натижада, у бирон қариндоши ё танишиникида, ёки ижарада туришга мажбур бўлади. Хўш, бу муддат ичида у вақтинча яшаш жойига прописка қилинадими? Аслида, бундай ҳолатда мазкур талаба ўша манзилда неча кунгача вақтинча пропискисиз яшashi мумкин? Бу ҳолат мавжуд воқеликда қандай кечаяпти?

Бу чигалликларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш вақти аллақачон келган! Ёки бугун супер контракт асосида ўқишга қабул қилинган талаба 4 ёки 6 йил давомида тўлаган пулини ўқишни тугатгач, неча йил давомида ойлук иш хақи сифатида қайтариб олиши мумкин? Университетни яқиндагина битказган, ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган мутахассиснинг иш билан таъминланиши ҳам қийин масала. Унга тайинланадиган маош эса тўланган контракт билан солиштирганда анча катта фарқ қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу каби кўпчилиكنи ўйлантириб келаётган муҳим масалаларга биринчи навбатда жавоб ва ечим топиш учун ҳаракат қилади. Сайловдан сўнг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари орқали шу каби одамлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим ва долзарб масалалар ечимига киришади.

Сайловларда партиямиздан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

**Феруза МАДРАХИМОВА,**  
Халқ демократик партиясидан  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутатлигига номзод